

5/2022,
sentyabr-
oktyabr
(№ 00061)



СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ибрагимов Бобуршоҳ Боҳодир ўғли

Тошкент молия институтини доценти, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори (PhD), мустақил изланувчиси (DSc). Тошкент, Ўзбекистон.
boburphd@gmail.com

ORCID: 0000-0002-1107-0894.

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a36

Аннотация

Давлат иқтисодий ислохотларга мос равишда солиқ сиёсати билан бирга солиқ маъмуриятчилигини ҳам такомиллаштириб боради. Чунки оқилона солиқ сиёсатининг ижроси тўлиқ таъминланиши солиқ маъмуриятчилиги механизмлари самарали ташкил этилишига боғлиқдир. Муаллиф мақолада мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар билан солиқ сиёсати ва маъмуриятчилигини такомиллаштириш зарурлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига, назари-ҳуқуқий масалаларига маҳаллий ва хорижий амалиётни ўрганиш асосида баҳо берган. Шунингдек мавзу бўйича олиб борган тадқиқотлари натижаси бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар берган.

Калит сўзлар: солиқ маъмуриятчилиги, солиқ сиёсати, солиқ назарияси, солиқ назорати, ҳуқуқ, ҳуқуқий асослар.

Abstract

Along with the tax policy, the state is also improving the tax administration in line with the economic reforms. Because the full implementation of a reasonable tax policy depends on the effective organization of tax administration mechanisms. In the article, the author assessed the need to improve the tax policy and administration with the economic reforms implemented in our country, its socio-economic importance, theoretical and legal issues, based on the study of local and foreign practice. He also made suggestions and recommendations for improving the tax administration based on the results of his research on the topic.

Key words: tax administration, tax policy, tax theory, tax control, law, legal foundations.

Кириш

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифалари сифатида эътироф этилади. Шу боис мамлакатни ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш масадида "тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига

камайтириш” юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш вазифаси этиб белгиланган [1].

Шу сабабли солиқ маъмуриятчилиги муаммоларини ўрганиш ва уни такомиллаштириш иқтисодий иқлоҳотлар янги босқичида муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча муаммоларни ўрганишда унинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш тадқиқотларнинг таян нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам солиқ маъмуриятчилигини ташкил қилишнинг назарий асосларини ўрганиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларига баҳо бериш асосида муаммолар ечимига оид таклифлар ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Солиқ маъмуриятчилиги давлат солиқ хизмати органлари ҳамда солиқ тўловчилар ўртасида содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар индикосидир. Давлат ўз функционал вазифаси ижросини таъминлаш харажатларини молиялаштириш мақсадида солиқ тўловчи-жисмоний ва юридик шахслар зиммасига солиқ тўлаш мажбуриятларини юклайди. Демак, солиқ муносабатлари - давлат билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида вужудга келадиган молиявий муносабатлардир. Ушбу муносабатлар тизими юридик ва жисмоний шахслар даромадининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ҳамда миқдорда давлатнинг марказлашган фонди ҳисобланадиган бюджетга олиб қўйиш йўли билан жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш сабабли вужудга келади. Давлат солиқ хизмати органларига ушбу муносабатлар тизими ижросини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатлари билан маъмурий ваколатлар юкланади. Солиқ муносабатларини тартибга солишга оид мазкур ваколатлар тизими солиқ маъмуриятчилиги ҳисобланади.

Фикримизча, солиқ маъмуриятчилиги бир қатор зарурий шартларда юзага келади. Биринчидан, давлат томонидан солиқ тўловчилар зиммасига солиқларнинг маълум бир солиқ тури, уни қанча миқдорда ва қачон тўлашни юклатилиши ҳисобланади. Иккинчи зарурий шарт, қонунчилик билан давлат томонидан солиқ муносабатларини тартибга солиш механизмининг белгиланишидир. Учинчи шарт, солиқ қонунчилигини назорат қилиш механизмининг аниқ белгилаб қўйилиши ҳисобланади. Солиқ маъмуриятчилигининг муҳим шартларидан яна бири солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш, солиқларни ҳисоблаш, тўлаш ва қонун талабларига риоя этишни назорат қилиш учун ваколатли органни белгилаш ҳисобланади.

Мамлакатда инсофли солиқ тўловчиларни қўллаб-қувватлаш ва яширин иқтисодий фаолиятга қарши курашиш, солиқ ҳамда божхона маъмуриятчилигини кучайтириш бўйича иқтисодий механизмларни такомиллаштириш чоралари белгиланмоқда [2-3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Солиқ маъмуриятчилиги назарий масалалари К.С. Бельский, В.В. Бесчеревных, А.В. Брызгалина, И.И. Веремеенко, Д.В. Винницкого, Л.К. Вороновой, О.Н. Горбуновой, Е.Ю. Грачевой, Г.С. Гурвича, В.И. Гуреева, А.А. Жданова, С.В. Запольского, М.Ф. Ивлиевой, М.В. Карасевой, А.Н. Козырина, Ю.А. Крохиной, И.И. Кучерова, Н.П. Кучерявенко, Н.А. Куфаковой, Е.В. Покачаловой, С.Г. Пепеляева, Г.В. Петровой, М.И. Пискотина, Е.А. Ровинского, Г.П. Толстопятенко, Г.А. Тосуняна, Р.О. Халфиной, Н.И. Химичевой, А.И.Худякова, С.Д. Цыпкина, Р.А. Шепенко, С.О. Шохина, А.А. Ялбулганова тадқиқотларида ўрганилган.

Ўзбекистонда солиқ муносабатлари ва маъмуриятчилиги тарихини ўрганиш кишилиқ жамияти барча ижтимоий-иқтисодий формацияларида солиқлар, уларни ҳисоблаш ҳамда ундириш тартиблари у ёки бу турда мавжуд бўлганлигидан далолат беради [4-6].

Солиқ аниқ мақсадга қаратилган молиявий сиёсат бўлиши билан биргаликда ялпи миллий маҳсулотнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва шу тарзда иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўзгартиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш кафолатини таъминлашда бевосита иштирок этади. Шу сабабли «Солиқ тизимининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом-ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатишдир» деб бежиз таъкидламаган [7].

Солиқ тизимини ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад – корхоналар зиммасидаги солиқ юкини кескин камайтиришдир. Корхоналар зиммасидаги солиқ юкининг енгиллаштирилиши орқали ишлаб чиқаришни жонлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш орқали барқарор ривожланишига эришиш мумкин.

Солиқлар моҳиятини очишда унинг демократик тўлов эканлигига эътиборини қаратиш лозим бўлади. Чунки бозор муносабатлари шароитида хилма-хил мулк шаклидаги хўжалиқ юритувчи субъектлардан ҳамда аҳолидан уларнинг мулкни давлат тўғридан-тўғри хоҳлаган вақти, хоҳлаган ставкада улар даромадларини мажбурий тўлов сифатида ололмайди. Бундай усул маъмурий буйруқбозлик, марказлашган режалаштириш даврига хос эди. Чунки режали иқтисодиёт даврида 95-97 фоиз мулк давлатники бўлганлиги туфайли, уларнинг мулкидан давлат истаганича фойдаланиш мумкин бўлган. Бунда корхоналарнинг 90 фоизгача фойдаси солиқли ва солиқсиз тўловлар орқали (ҳар хил ажратмалар номи билан) давлат бюджетига олиб қўйилган.

Бозор муносабатлари шароитида эса давлат турли хил мулк шаклидаги хўжалиқ юритувчи субъектлар, аҳоли даромадининг муайян қисмини бюджетга ундириш учун Олий Мажлис томонидан тасдиқланган солиқ ставкаларига асосланади.

Юқорида баён этилганидек солиқлар давлат даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Шунинг учун солиқ тизими тўғрисида билим ва кўникмаларни шакллантириш учун аввало солиқ тушунчасининг мазмун моҳиятини англаб олиш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ Кодексида солиқ тушунчасига таъриф берилмаган. Муқаддам амал қилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 12-моддасида «Солиқлар деганда Солиқ Кодексида белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади» [8], деган мазмундаги таъриф мавжуд эди.

Юқорида солиқ маъмуриятчилиги учун зарур бўлган зарурий шартлар таснифланди. Худди шу каби тўловни солиқ, деб эътироф этилиши учун солиқ тўловчи томонидан тўланадиган тўловларнинг қуйидаги хусусиятларига эга бўлиши шарт:

- *муайян миқдорда ундирилиши;*
- *мунтазам равишда ундирилиши;*
- *солиқ тўловчига қайтариб берилмаслиги;*

- *беғараз, яъни маълум бир мақсадсиз тўланиши;*
- *бюджетга ундирилиши зарурдир.*

Солиқлар солиқ тўловчилар ва давлат ўртасида жамият миқёсида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Чунки солиқлар бюджет даромадларини ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмасдан:

- *маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга;*
- *ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун инвестицияларни кўпайтиришга;*
- *рақобатбардош маҳсулот ҳиссасини кўпайтиришга;*
- *умумдавлат эҳтиёжларини қондириш ва бошқалар мақсадлар учун ҳам*

хизмат қилиши зарур.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақолада Амур Темур давлати солиқ сиёсати, солиқ муносабатларни тартибга солиш тизими Европа классик олимлари асарларидаги солиқ муносабатларини тартибга солишга оид қарашлар ҳамда ҳозирги давр солиқ қонунчилиги билан таққослаб ўрганилиб, унга баҳо берилган. Мақолада тадқиқот методологияси сифатида адабиётлар қиёсий таҳлили, мантиқий ва таркибий таҳлил қилиш, гуруҳлаштириш ва қиёсий таққослаш, анализ, синтез каби усулларидадан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимиз ҳозирги марказий Осиё ҳудудида эраמידан аввалги биринчи минг йилликда қабилаларнинг дастлабки сиёсий бирлашувлари туфайли пайдо бўлган. Солиқнинг дастлабки тури пул ва натура тарзида жон бошига ва ер майдонига солинадиган солиқ сифатида пайдо бўлиб, фуқаролардан олинган. Бу давлат молиясининг дастлабки манбалари бўлиб, ҳисобланган.

Ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишлар Амир Темур давлатчилигининг асосларидан бири бўлган солиқларни белгилаш ва ундириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлигини кўрсатмоқда. Соҳибқирон ўз тузукларида баён этилган тартиблар дунё солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилиги амалиёти ҳамда назариясини ривожлантиришга хизмат қилган. Ушбу назарий қарашларда Амир Темур солиқ сиёсатини тўғри белгилаш давлат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. Шу билан бир қаторда Амир Темур давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда аввало халқнинг манфаатини ҳисобга олиш ва ҳар бир алоҳида хўжаликда бой - бадавлатликнинг эришилган даражасини инобатга олиш керак, деган тамойилга амал қилиш зарурлигини ҳам назарий жиҳатдан асослаб берган. Ушбу назарий қарашлар асосида ташкил этилган Амир Темур давлати солиқ тизими унинг буюк империяси харажатларини узлуксиз маблағ билан таъминлаш билан бирга, хазинадан илм, фан, маданият ва ободонлаштириш ишлари учун ҳам зарур маблағлар ажратилишига хизмат қилган [9].

Амир Темур даврида, қонунлар халқ манфаатига нақадар мос бўлганлиги солиқ сиёсати, фуқаролар манфаатига тўла мос тушганлиги кўпгина манба ва адабиётларда ўз ифодасини топган. Хусусан, Д.Н.Логофетнинг «Бухоро тоғликлари ва текисликларида» асарида Амур Темурнинг солиқ сиёсати тўғрисида қуйидагиларни қайд этилади. «Унинг ҳокимиятида фуқароларга адолат билан муносабатда бўлишади... Биз ҳозир зўр бериб интилайётган даромад солиғи деган нарса унинг ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди» [10].

Шу ўринда "Темур тузуклари"нинг тархий-ҳуқуқий масалалари бўйича тадқиқот олиб борган профессор З.Муқимов давлат бошқарувининг барча жиҳатларида адолатни таъминлаш муҳимлигини таъкидлайди ва Амир Темурнинг давлат бошқаруви назарий-ҳуқуқий асосларига баҳо бериб, *"Эҳтимол, унинг ҳар бир воқеага, ҳар бир фуқарога, олимга фузалогога, сипоҳга адолат билан қарагани бир умрлик муваффақиятини таъминлаган бўлса керак"*, деган хулоса қилади [11].

Европа олимлари Амир Темурдан 4 аср кейин ушбу масалалар бўйича ўз қарашларини билдиради. Хусусан, инсоннинг фаоллашувчи принципи ва бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиши қонунлари тарафдори бўлган Европалик олим А. Смитнинг фикрича, солиқ маъмуриятчилигида *"тинчлик, меъёрдаги солиқлар ва бошқарувдаги сабр-тоқат асосий омиллар бўлиб, қолган ҳамма нарсаларни табиий жараённинг ўзи бажаради"*, деган ғояни илгани суради [12].

Ж.Кейнс ўз тадқиқотлари натижаси бўйича А.Смитга қарши фикрни билдиради ва *"бозор иқтисодиёти давлат ёрдамисиз иқтисодий таназзулни (ишлаб чиқариш таназзули, ишсизлик ва шу кабилар) бартараф этишга қодир эмас"*¹, деган ғояни илгари сурган [13]. Солиқ сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодиёти нормал ривожланаётган барча мамлакатларда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда солиқлардан фойдаланишга катта эътибор берилмоқда.

Ж.Кейнс жамият тараққиётига таъсир этувчи омилларни қуйидаги уч гуруҳга бўлишни таклиф этади. Биринчи гуруҳни бошланғич омиллар ҳисобланиб, унинг таркибига, иш кучининг эришилган малака даражаси ва миқдори, мавжуд ускуналар сони ва сифати, ишлаб чиқариш технологияси, рақобат даражаси, истеъмолчининг диди ва одатлари, турли даражадаги меҳнатнинг оғирлиги, назорат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг аҳамияти, шунингдек жамиятнинг ижобий тузилиши каби омилларни киритади. Ана шу омиллар таъсиридан Ж.Кейнс назарияси абстрактлашади, у эътиборни иккита бошқа гуруҳга қаратади.

Иккинчи гуруҳ мустақил ўзгарувчан характерга эга бўлган истеъмолга мойиллик, капиталнинг энг кўп самарадорлиги ва фоиз нормаси омиллари ҳисобланади. Учинчи гуруҳга эса бандлик ва миллий даромад ҳажми омиллар киритилган. Ж.Кейнс давлатнинг аралашуви вазифасини мустақил ўзгарувчан омилларга, улар воситасида эса бандлик ва миллий даромадга таъсир кўрсатишдан иборат, деб ҳисоблайди. Бунда ҳал қилувчи шарт сифатида пул кредит ва бюджет сиёсати воситасида инвестицияларни рағбатлантириш эътироф этади ва "Иқтисодий жараён қатнашчиларининг жамғаришга бўлган қизиқишига мўлжалланаётган даромад таъсир қилиши сабабли, кўрсатиб ўтилган омиллар фақат фоиз нормасига эмас, балки ҳукуматнинг солиқ сиёсатига ҳам боғлиқ бўлади. Айниқса "ишлаб топилган" ва "ишлаб топилмаган" фондларга солиқ солиш ставкаларида кескин фарқлар мавжуд бўлган ҳоллардаги даромад солиғи, капитал келтирадиган фойдага солинадиган солиқ, мерос солиғи ва бошқа солиқлар фоиз нормасига нисбатан муҳим роль ўйнайди. Бунинг устига солиқ амалиётидаги рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар кўлами фоиз нормасидаги ўзгаришларга нисбатан кўпроқ бўлиши мумкин. Агар солиқ сиёсатидан атайлаб даромадларнинг адолатли тақсимланишига эришишга ёрдам берадиган омил

сифатида фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда бу сиёсат албатта истеъмолга мойилликни кўпайтиришга янада кучлироқ таъсир кўрсатади" [13].

Неокейнсианлик йўналишининг намояндалари бўлган А.Хансен, П.Самуэльсон (АКШ), Р.Харрод (Буюк Британия), Ф.Нойрман (Германия) ва бошқалар солиқ солиш тизимини ўзгартира бориб, солиқ сиёсатини иқтисодиётнинг циклик ривожланишига мослаштиришни таклиф этдилар. Улар бу ўринда даромад солиғига алоҳида аҳамият бердилар. Бу солиқ иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида ортиб борувчи даромадларнинг бир қисмини олиб қолиб, аҳоли даромадларининг камайишини чеклайди, деган фикрни билдиришган.

Ж.Кейнснинг издошлари фикрича, солиқнинг автомат стабилизатор сифатида амал қилиши давлатнинг солиқ тадбирлари билан, масалан, солиқлар миқдорини ўзгартириш, имтиёзларни кенгайтириш ёки қисқартириш билан тўлдирилиши лозим деб изоҳлайдилар. Солиқларнинг фаолият кўрсатиш соҳаси – иқтисодиёт, яъни базисли муносабатлар соҳасидир. Бирон солиқ тизимини ташкил этиш унинг тузилиши устқурма харакатининг натижасидир, шунинг учун ҳам амалдаги солиқ тизимининг оптималлиги уни ташкил этадиган ва бошқарадиган давлат тузилмаларига боғлиқдир, деб қарайдилар.

Давлатнинг муҳим функцияларини солиқ функциялари орқали қараб чиқиш мумкин, чунки бу диалектик жиҳатдан ўзаро боғланган икки элементдир ёки айти битта медалнинг икки томонидир. Солиқ давлатнинг ўз мақсадлари ва вазифаларини бажариш учун фойдаланадиган молиявий манба ҳисобланади. Демак, солиқнинг моҳият ва вазифалари давлат фаолияти билан боғлиқдир. К.Макконнелл, С.Брюлар фикрича солиқларга фискал сиёсат бўлиб, иқтисодиётни барқарорлаштириш учун ҳал этиладиган вазифаларидан келиб чиқиб, ҳам рағбатлантирувчи сиёсат, ҳам тўсқинлик қилувчи сиёсат сифатида қараш мумкин, деб ҳисоблайди [14]. Фискал сиёсатнинг асосий мақсади - ишсизлик ва инфляцияни тугатишдан иборатдир. Инқирозлар даврида кун тартибда иқтисодиётни рағбатлантирувчи фискал сиёсати тўғрисидаги масала пайдо бўлади. Бу дарда давлат ҳаражатларининг кўпайиши, солиқларнинг пасайиши, инфляция ўсиши каби ҳолатлар содир кузатилади. Фискал сиёсат, башарти иқтисодиёт олдида инфляция устидан назорат қилиш муаммоси турадиган бўлса, ҳукумат бюджетининг ижобий қолдиғига таяниши лозим.

Ф.Меньков "Молия фанининг асосий негизлари" (1924 йил) номли монографиясида солиқ тортишда 4 та тамойилларга таяниш зарур, деб эътироф этади [15]. Муаллиф солиқларни беистисно ҳамма тўлаши ва солиқ имтиёзларисиз тўлаш зарур ҳамда солиқнинг оғирлиги айрим кишилар ўртасида бир текисда ёки тенг ҳолатда тақсимланиши керак, деб ҳисоблайди.

Француз иқтисодчиси Ж.Боден фуқаролар норозилиги олдини олиш мақсадида ўз асарларида давлат даромадларини давлат мулкани ишлатиш ва бож йиғимлари ҳисобидан шакллантириш, аҳолидан солиқ йиғиш заруриятга қараб жорий этилиши зарур, деган фикрни илгари сурган [16].

Ж.Бодендан фарқли равишда инглиз файласуф-иқтисодчиси Т.Гоббс давлат ўз даромадларини шакллантириш учун фуқароларга солиқ солиш ҳуқуқига эга, лекин солиқларни белгилашда меъёр ва барча қатламга тўғри тақсимлашга эътибор қаратиш зарур, деган ғояни таклиф қилган [17].

XVII асрда европа давлатларининг солиқларга бўлган эҳтиёжи молиявий тадқиқотлар ва қарашларни кучайтирди. Натижада молия фанини ривожланди ва давлат молиясини шакллантириш бўйича янги ғоялар пайдо бўлди. Шундай муҳим ғоялардан бири инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Т.Хоббес 1642 йилда солиқчиларнинг мутлақ ҳуқуқи ҳақида ғояни илгари сурди, бироқ айтилган пайтда Т.Хоббес солиқларни белгилашда мувозанат ва бир хилликни сақлаш зарур, деган хулоса қилади.

XVII асрнинг охирига келиб, Буюк Франция инқилобининг таъсири остида сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ равишда Вольтер, Ж.Ж.Руссо, Ф.Кенэ, О.Мирабо томонидан молия, фалсафа, ҳуқуқ ва давлат соҳасида янги назариялар илгари сурилди. Ушбу олимлар томонидан молия фани йўналишида давлатнинг солиқларга бўлган ҳуқуқини асослайдиган илмий назарияларни ва ҳар бир давлатнинг давлат харажатларини молиялаштиришни шакллантиришда иштирок этиш ҳажми яъни, солиққа тортишда тенглик масаласи асосларини яратилди. Мисол учун, Вольтер "солиқни тўлаш, мол-мулкнинг бир қисмини унинг қолган қисмини сақлаб қолиш учун бериш", деган фикрга келади.

Ушбу даврда кенг тарқалган фойда, моддалар алмашуви ва атом назариялари давлатнинг хусусий ҳуқуқ нуқтаи назаридан келиб чиқади. Мазкур даврнинг классиклари бўлмиш Вобан ва Монтескье "солиқлар ҳар бир фуқаро томонидан шахсий ва мулкий дахлсизлигини ҳимоя қилиш учун давлатга тўланадиган тўлов", деб ҳисоблайди.

С.Г. Верещагин А.Темурнинг солиққа тортиш, солиқларни ундириш бўйича қарашларини ўрганмасдан солиқларнинг сиёсий моҳияти тўғрисидаги XVIII асрдаги ғоялар етакчиси шотландия иқтисодчиси Адам Смит солиқларни белгилашда ягоналик, ишончлик, тўловнинг қулайлиги ва арзонлиги тамойилларига амал қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни биринчи бўлиб билдиради, деб хулоса қилади [18].

XIX-асрда социализм ғоялари молия фанининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади (К. Маркс, Ф. Энгельс). Бу таъсир солиқ назариясидаги ижтимоий-сиёсий тенденцияларнинг ривожланишида акс этади. К. Маркс солиқларнинг давлатнинг ўз вазифаларини бажаришда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди ва "Солиқ - ҳуқуқатни озиқлантирувчи она кўкраги. Солиқ - мулк, оила, тартиб ва дин ёнидаги бешинчи худо, деган фикрни илгари сурган" [19].

Россиялик олимлар И.Т. Посошков [20], Сперанский [21], Н.И. Тургенев [22], М.Ф. Орлова [23], Э.Г. Осокина [24] ва бошқалар [25] XIX-асрда давлат молияси ва унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганган. Айниқса, таниқли иқтисодчи ва адвокат А.А. Исаевнинг "Солиқ сиёсати ва солиқ сиёсати масалалари" мавзусидаги солиққа оид назария ва сиёсат соҳасида фундаментал тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади [26].

А.А. Исаев тадқиқотлари натижаси бўйича эълон қилган "Солиқ сиёсатининг адолат докторинаси" да, солиққа тортиш масаласи қуйидаги:

• *ким солиқ тўлаши керак?*

• *солиқларни тақсимлашда мувофиқликни қандай таъминлаш керак? "*, саволларга жавоб бериши зарурлигини қайд этади.

Шу билан тадқиқотчи "Давлатнинг энг катта вазифаси аҳоли фаровонлигини таъминлаш ғоясини тўлиқ амалга ошириладиган бундай тартибни яратишдир. Давлат ушбу вазифани ҳал этишга яқинроқ бўлса, у барча фуқароларнинг фаровонлигини

оширишга, умумий маънавий ва ахлоқий тараққиётга ёрдам беради. Шунинг учун давлат ўзининг асосий ғоясига зид бўлган солиққа тортишдан воз кечиши зарур", деб хулоса қилади.

Хулоса ва таклифлар

Қайд этиш зарурки, солиқ маъмуриятчилигини иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий таҳлилнинг истиқболи бу соҳада илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун янги имкониятлар яратади. Ҳар қандай солиқ тизимида солиқ низоларини негизида:

- *ижтимоий эҳтиёжлар учун солиқ тўловчиларнинг даромадларининг бир қисмини давлатга ажратиш;*

- *сиёсий жиҳатдан, давлат қонунчилик ижросини таъминлашда куч ишлатишга оид муносабатлар мужассамлиги ётади.*

Солиқ муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмлари илмий адабиётларда икки босқичга бўлинади.

Биринчи босқич солиқ тизимини шакллантиришни ўз ичига олади қонунчилик даражасида давлат маълум бир солиқ тизимини ўрнатади; яъни бевосита ва билвосита солиқлар турларини; пропорционал ва прогрессив солиқ ставкалари; имтиёзлар турлари ҳамда уларни қўллаш тартибларини, махсус ва соддалаштирилган солиқ режими; солиқни йиғишнинг техник ва ҳуқуқий механизмларини белгилаб беради.

Иккинчи босқичда эса солиқ муносабатлари субъектлари ўртасида солиққа оид муносабатларини тартибга солиш мақсадида солиқ маъмуриятчилигини қўллаш механизмлари шаклланишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

Солиқ муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш солиқ солиқ қонунчилигида муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш учун хизмат қилади, деб хулоса қилиш мумкин.

Шу сабабли тадбиркорлик субъектларини эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Давлат солиқ сиёсати ва тизимининг оқилона шаклланиши мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қўлай шарт-шароитларни яратишни таъминлайди.

Солиқ муносабатларини тартибга солиш тизими ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда муайян муаммоларнинг мавжудлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларини таъминлашга салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолатлар давлат солиқ органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, солиқ маъмуриятчилигининг шаффофлиги, солиқ муносабатларида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлиги ҳамда назорат самарадорлигини сўсайишига сабаб бўлади.

Шунинг учун мамлакатимизда солиқ сиёсатини оптималлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларида:

- солиқ тўловчи доим ҳақ тамойилини жорий этиш ва унга амал қилиш;
- солиқ тўловчилар ҳуқуқий маданиятини ошириш;

• солиқларни тўлаш мажбурияти ва бурчларини ихтиёрий бажаришини таъминлаш ишларини такомиллаштириш;

• солиқ тўловчилар ва солиқ органларини “ўзароҳамкорлик” тамойили асосида иш олиб бориш таклиф этилади.

Ривожланган мамлакатлар солиқ маъмуриятчилигида қўлланилиб ўз ижобий самарасини берган ушбу тамойиллар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2022 йил 29 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги "Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6098-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 йил 2 ноябрь, 43-сон, 475-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 мартдаги "Жаҳон банки иштирокидаги "солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-178-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2022 йил 25 март.

4. V.B.Ibragimov. Theoretical and legal issues of relations regulation. International journal of Psychosocial Rehabilitation, ISSN:1475-7192. PaperId: IJPR_Feb_2020. DOI:10.37200/IJPR/V24I4/PR201427.

5. V.B.Ibragimov. Issues of tax liabilities and regulation of its execution. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal <https://saarj.com> Paj: 264-270. 10.5958/2249-7137.2020.00824.1. ISSN: 2249-7137 Vol. 10, Issue 7, July 2020.

6. Ибрагимов Б.Б. Пути совершенствования налогового администрирования в Республике Узбекистан // XI Международной научно-практической конференции. Г.Нурсултан (Казахстан), “Инновационная экономика: глобальные и региональные тренды. 2019. Б. 193-195.

7. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари».Т.:Ўзбекистон, 359-б.

8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52 (I)-сон.

9. А.Темур «Темур тузуклари», Т.: Ўзбекистон.2011й. 143- бет.

10. Д.И.Логофет Бухоро тоғлари ва текисликларида «Сомон йўли» – Т: Камалак, 1992, 72-73-б.

11. З.Муқимов. Амир Темур тузуклари (тарихийҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 91 бет.

12. А.Смит. «Исследования о природе и причинах богатства народов» М. 1935й Т-2 588-589 б.

13. Ж.Кейнс. "Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси". 1936 й.,

Ж.Кейнс «Общая теория занятости, процента и денег» М. Прогресс-1978 г. 449-стр.

14. К.Макконель, С.Брю «Экономикс» М. 1972 й. 249-с.

15. Ф.Меньков. "Молия фанининг асосий негизлари", М.: 1924 й. Монография.

16. Tixier G., Gest G. Manuel de droit fiscal. Paris: L.G.D.J., 1986. P. 30–32.

17. Томас Гоббс “Левифиан”. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

18. С.Г. Верещагин. Политизация налога: история и современность, автореферат док. диссертации. Ярославль, 2010 г.

19. К.Маркс, Ф.Энгельс. Соч. Т. 7. 2-е изд. С. 83.

20. И.Т. Посошков Книга о скудости и богатстве. М., 1951. С. 77.

21. М.М. Сперанский План финансов (написан в 1810 г.), опубликован в СПб в 1885.

22. Н.И. Тургенев Опыт теории налогов. СПб., 1818.

23. М.Ф. Орлов О государственном кредите. М., 1833.

24. Е.Г. Осокин Несколько спорных вопросов по истории русского финансового права. Казань, 1855.

25. М.М. Алексеенко. Взгляд на развитие учения о налоге. Харьков, 1870; Гензель П.П. Очерки по истории финансов. Вып.1. Древний мир. М., 1913; Исаев А.А. Государственный кредит. Ярославль, 1886; Капустин М. Чтения о политической экономии и финансах. Ярославль, 1879; Лебедев В.А. Финансовое право. СПб., 1882; Мильгаузен Ф.Б. Финансовое право: курс лекций. М., 1865; Озеров И. Основы финансовой науки. Вып. 1–2. М., 1909–1910; Патлаевский И.Ю. О подоходных налогах. СПб., 1877; Рау К.Г. Основные начала финансовой науки. Т.1. СПб., 1867; Селигман Э., Стурм Р. Этюды по теории обложения. СПб., 1908.

26. А.А. Исаев. Очерк теории и политики налогов // Финансы и налоги: очерки теории и политики. М. «Статут», 2004. С. 496. (Золотые страницы финансового права России. Т.IV).